

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил 14 январь куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик қилувчи: Т.Вахобов,

ҳайъат судьялари: Ф.Сиддиқова ва Х.Сотволдиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Эшматовнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори М.Эрматов, судланган МЗ ва унинг ҳимоячиси И.Низомовнинг иштирокида, МЗга оид жиноят ишини унинг апелляция шикоятига асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 29 ноябрдаги ҳукмига кўра:

МЗ, 1993 йил 26 февралда Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, ёлланма ишчи, судланмаган, Фарғона шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 61-уй, 7-хонадонда рўйхатда туриб, Фарғона шаҳар, Қувасой кўчаси, 128-уйда яшаган, 2024 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 224-моддаси тартибида ушланиб, 2024 йил 5 сентябрь куни озод қилинган, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида 1 йил 11 ой 29 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, МЗ 2024 йил февраль ойи охирларида Фарғона шаҳар, А.Ясавий кўчаси 43<sup>А</sup>-уй, 26-хонадонда яшовчи КАнинг яшаш хонадонига энага бўлиб ишга кириб, ушбу хонадонда бир оз вақт ишлаганидан сўнг 2024 йил июнь ойида ушбу хонадон эгаси ишга кетганлигидан, уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, КАга тегишли нархи 3.500.000 сўм бўлган тилла браслет, икки дона атир ва қошга қўйиладиган қаламни;



2024 йил июнь ойида КАнинг хонадонига меҳмон сифатида келган КАнинг дугонаси Д.Сулаймановани эътиборсизлигидан фойдаланиб, унинг сумкасида бўлган 100 АҚШ долларини ҳамда сумка ичидаги нархи 380 АҚШ доллари бўлган бир жуфт тилла сирғани такроран яширин равишда талон-торож қилганликда айбли деб топилган.

Судланган МЗ апелляция шикоятда, етказилган моддий зарарни коплаш учун имкон бериб, суд ҳукмини ўзгартириб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Жабрланувчилар ДС ва КА ўз эътирозларида етказилган моддий зарарни коплашни сўраганлар.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Т.Вахобовнинг маърузасини, прокурор М.Эрматовнинг суд ҳукмини ўзгартириш қолдириш ҳақидаги, ҳимоячи И.Низомов ва судланган МЗнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган МЗнинг эълон қилинган айбловга муносабатларини ёритиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериб, унинг айби ўзининг суддаги тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчилар КА ва ДС, гувоҳ Л.Икрамованинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек, аризалар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, юзлаштириш, шахсни фотосуратидан таниб олиш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ исботлангани ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатларини ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланган МЗга жазо тайинлашда, унинг шахси, муқаддам судланмагани, аёллиги, қарамоғида бир нафар беш ёшдаги вояга етмаган фарзанди борлиги, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлиги, оғир оилавий шароитлар оқибатида жиноят содир этганини ҳисобга олмасдан, унга ЖКнинг 72-моддасини татбиқ этишга асослар бор бўлса-да, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб модда санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини реал тайинланиб, бирмунча оғир жазо тайинлаган.

Ўзбекистон Республикаси 72-моддасида, агар суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам



унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкинлиги белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси суд ҳукмини ўзгартириб, МЗнинг шахси, муқаддам судланмагани, жиноят содир этгунга қадарли хулқ-атвори ижобий бўлгани, аёллиги, қармоғида бир нафар беш ёшдаги вояга етмаган фарзанди борлиги, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оғир оилавий шароитлар оқибатида жиноят содир этганини инобатга олиб, тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, унга нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, шартли ҳукм қилишни, унга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат устидан олиб борувчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан бу органда рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари юклашликни, апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 495,497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

МЗга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 29 ноябрдаги ҳукми ўзгартирилсин.

МЗга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб тайинланган 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгилансин ва синов муддати ҳукм чиқарилган - 2024 йил 29 ноябрдан бошлаб ҳисоблансин.

МЗ 1 ой 16 кун озодликни маҳрум қилиш жазосини ўтагани, ЖКнинг 62-моддаси тартибида 1 йил 10 ой 14 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилгани инобатга олинсин.

МЗга синов муддати даврида яшаш жойи ўзгарса бу ҳақда хулқини назорат қилиб борувчи органга хабар бериш, ҳар ойнинг 15 санасида ички ишлар бўлими рўйхатидан ўтиб туриш ва 6 ой муддатда жабрланувчи КАга 3.500.000 сўм, жабрланувчи ДСга 4.888.719 сўм етказилган моддий зарарни қоплаш мажбуриятлари юклатилсин.

Ажримни ижро қилиш ва маҳкумнинг хулқи устидан назорат олиб бориш Фарғона шаҳар ИИО ФМБ Пробаця бўлими зиммасига юклатилсин.

МЗга синов муддати давомида суд томонидан унга юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёки жамоат тартибини ёхуд меҳнат интизомини бузса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномаси бўйича жазонинг шартлилигини бекор қилиш ва ҳукмда белгиланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги тушунтирилсин, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазо ижро этилмасин.

МЗга қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор



қилиниб, дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Апелляция инстанциясининг ажрими устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Т.Вахобов

Ҳайъат судьялари

Ф.Сиддиқова

Х.Сотволдиев



Раислик қилувчи  
Ҳайъат судьялари

/имзо/

/имзо/

/имзо/

Т.Вахобов  
Ф.Сиддиқова  
Х.Сотволдиев

Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
вилоят судининг судьяси

Т.Вахобов



Ҳужжат имзоланган: Ваҳобов Тохиржон Зафарович, 17.01.2025



Ҳужжат имзоланган: Ваҳобов Тохиржон Зафарович, 17.01.2025

